



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВЛАРИ очиқ майдонларда замонавий лойиҳалар асосида қурилмоқда

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони асосида Самарқанд вилоятининг Ургут ва Булунғур туманларида “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилмоқда.

Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш, ҳудудларда замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида кўп қаватли уй-жойлар, ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилишини жадаллаштириш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳоли пунктларининг урбанизация жараёнини ривожлантириш мақсадида 2022 йилда бошланган ишлар аниқ пайтда ҳам қизғин давом этмоқда.

– “Янги Ўзбекистон” массивлари аввалдан турар жой ёки бошқа объектлар бўлган жойларда эмас, очиқ майдонларда бутунлай янгидан, замонавий лойиҳалар асосида қурилмоқда, – деди Булунғур тумани ҳокими ўринбосари Норбўта Санақулов. – Массивлар асосан, аҳоли истиқомат қилиши учун ташкил этилмоқда ва бу масканларда уй-жойлардан ташқари,



мактаб, боғча, спорт ва маданият муассасалари, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари бўлади. Марказлашган ичимлик сув, оқова тармоқлари ва бошқа зарур коммуникация тизимлари яратилади. Бир сўз билан айтганда, номига муносиб тарзда шаҳарча қурилишидаги кўркам турар жой мажмуаси бунёд этилади.

Бизнинг туманимизда ҳам М-37 йўли ёқасида, Ғубдин маҳалласи ҳудудидан 24 гектар очиқ ер майдони ажратилиб, ўтган йил қурилиш ишлари бошланган эди. Бу ерда шу пайтгача умуман, уй-жой ва бошқа ижтимоий соҳа объектлари бўлмаган. Фақатгина, икки йил олдин учта, кўп қаватли уй қурилиб, аҳолига топширилган эди.

Эндиликда ушбу маскан мингдан ортқ хонадонли кўп қаватли уйлардан иборат шаҳарча бўлади.

Фармон асосида мазкур массивда 2022-2024 йилларда 1160 хонадонли 58 кўп қаватли уй, иккита умумтаълим мактаби, учта мактабгача таълим ташкилоти, 8 спорт ва соғломлаштириш маркази, шу-



нингдек, оилавий поликлиника, маҳалла маркази, ИИБ таянч пункти, маданият уйи, ёшлар маркази, IT-парк, савдо ва хизмат кўрсатиш нукталари қурилиши кўзда тутилган. Ўтган йил массив бош режасига асосан ҳар бири 20 хонадондан иборат 18 беш қаватли уй қурилиши бошланган эди. Уларнинг аксариятида ишлар якунига ет-

моқда. Жорий йилда эса 25 уй қурилиши бошланди.

Шунингдек, ичимлик сув, табиий газ тармоғи тортилди. Уйлар қурилиши якунига етиши билан йўл ва бошқа коммуникация тизимлари яратиш ишлари бошланади.

– “Янги Ўзбекистон” массивида ўтган йил 20 хонадонли битта беш қаватли уй қурган эдик, – деди “Меъмор” хусусий корхонаси иш бошқарувчиси Сайфиддин Тўраев ЎЗА муҳбири Ғолиб Ҳасановга. – Бу йил эса яна учта шундай уй қуришни зиммамизга олганмиз. Ҳозирда учта уйда ҳам қурилиш ишлари давом этмоқда. Октябр ойига қадар хонадонларни фойдаланишга топшириш белгиланган. Икки ва уч хонадонли бу уйларнинг биринчи қаватида савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари бўлади.

Бош режага кўра, уйларни иситиш тизими ҳам марказлашган ҳолда амалга оширилади. Яъни беш-олтита уй учун алоҳида иситиш тизими бўлади. Тендер танлови асосида бу вазифани амалга оширадиган қурилиш ташкилоти ҳам аниқланиб, ишларга киришилди. Янги тартибга кўра, массивдаги кўп қаватли уйларнинг том қисмига қуёш панеллари ўрнатилмоқда. Шунингдек, уйларнинг ярим ертўласидан самарали фойдаланиш мақсадида турар жойга мўлжалланмоқда. Бу хонадонлар ҳокимлик томонидан уй-жойга муҳтож фуқароларга берилиши кўзда тутилган.

Мутасаддиларнинг айтишича, массивдаги кўп қаватли уйларнинг бир қисми жорий йил сентябрь ойигача, қолгани йил якунига қадар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

Янги массивлар кўздан кечирилди

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятлов Хоразм вилоятида қуриляётган “Янги Ўзбекистон” массивлари билан танишди.



Хусусан, Шерзод Ҳидоятлов уйларнинг коммуникация тармоқларига уланиши, иситиш тизимлари, уларнинг лойиҳа ҳужжатларига мослиги ва қурилиш сифатига алоҳида эътибор қаратди. Ўрганиш ишлари вилоятнинг Кўшкўпир, Янгиарик ва Тупроққалъа туманларида олиб борилди. Қурилишда кўзга

ташланган камчиликлар бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берилди. Таъкидлаш лозимки, Хоразм вилоятида ўтган йили “Янги Ўзбекистон” массивларида 22 та кўп қаватли уй қурилиши бошланган ва 15 таси фойдаланишга қабул қилинган. Қолганларида ҳам қурилиш иш-

ларнинг 80-85 фоизи бажариб бўлинган. Шунингдек, жорий йилда 33 та кўп қаватли уй ёки 800 та хонадан барпо қилиниши белгиланган бўлиб, аниқ кўнларда қурилиш ишлари давом этмоқда. Мазкур ишлар жорий йилнинг сентябрь-октябрь ойларида тўлиқ якунига етказилиши режалаштирилган.

Навбатдаги ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди

Бугунги кунда пойтахтимизда янгидан-янги бино ва иншоотлар қурилиб, шаҳар кўрки тубдан ўзгариб бормоқда. Мазкур ўзгаришлар жараёнида амалга ошириляётган ишлар юзасидан Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг sanoat, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг навбатдаги ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 20 апрелдаги 200-сон қарори ижросини таъминлаш бўйича Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи С.Тўхтаев ва бир қатор ташкилот раҳбарларининг 2022 йил якуни ҳамда 2023 йил биринчи чорагида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи тингланди.

Жумладан, бино ва иншоотларнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни келишиш, қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш ҳамда ўз ҳудудда кўшимча бино ва иншоотларни қурилиш лойиҳалаштиришга рухсатнома бериш, “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимини такомиллаштириш ҳамда электрон тендер платформасидан тизимли фойдаланиш, Тошкент шаҳрида олиб бориляётган қурилиш олди ҳужжатлари бино ва иншоотларнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни келишиш, архитектура режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш, қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектдан фойдаланиш учун рухсатнома бериш, кўчмас мулк тўғрисидаги маълумотномаларни бериш каби масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда тақдим этилган лойиҳалар депутатлар томонидан инобатга олинди, қурилган объектларнинг сифати ва қурилиш муддатлари, йўл хариталари ҳамда аввал аниқланган ноқонуний қурилмаларнинг бартараф этиляётганлигини жойига чиққан ҳолда кўриш таклифи билдирилди.

Раҳбарият қабули ташкил этилди

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида вазирнинг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятлов ҳамда вазир ўринбосари Озода Жўраева иштирокида раҳбарият қабули ўтказилди. Унда жисмоний ва юридик шахсларнинг коммунал соҳага оид бир неча мурожаатлари қабул қилинди.



Хусусан, аҳолининг кўп квартиралари уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув ташкилотлари фаолиятдан норозилиги, биллинг тизими, ташкилотлараро муносабатлардаги тушун-

мовчиликлар, уйнинг кириш йўлагини таъмирлаш ва бошқа масалалар юзасидан 10 га яқин мурожаати қабул қилинди. Мутасаддилар бошқарув ташкилотлари вакилларига

фаолият олиб боришда ишчи-ходимларнинг техник хавфсизлигини таъминлаш, уларни мутахассислик бўйича ўқитиш масалаларига жиддий эътибор беришларини таъкидлашди.

Жаҳон банки миссияси вакиллари билан учрашув

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги мутасаддилари ҳамда Жаҳон банки миссияси вакиллари ўртасида учрашув ташкил этилди.



Унда миссия томонидан ишлаб чиқилган “Но-гиронлиги бўлган одамларнинг инклюзивлигига техник ёрдам” дастури доирасида инфратузилма, маданий ва маиший объектлардан фойдаланиш имкониятини яхшилашга кўмаклашиш юзасидан аудит ўтказиш ҳамда мазкур йўналишда норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Бу борада янги дастурлар ишлаб чиқиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, Жаҳон банки экспертлари то-

монидан ногиронлиги бор, жисмоний имконияти чекланган шахсларнинг ижтимоий инфратузилма объектларидан фойдаланиши ва жамоат жойларида эркин ҳаракатланиши учун шароитларни яхшилаш бўйича қурилиш ва лойиҳалаштириш ташкилотларини жалб қилган ҳолда семинар-тренинг ўтказиш режалаштириляётгани айтилди.

Ичимлик сувидан тўғри фойдаланиш бугунги кун талаби

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ҳамда “Сурхондарё сув таъминот” МЧЖ ходимлари ҳамкорлигида ичимлик сувидан белгиланган қондалар асосида фойдаланишни назорат қилиш, аниқланган ноқонуний ҳолатларни бартараф этиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан ваколат доирасида чора кўришни ташкил этиш мақсадида Бойсун туманида ўрганиш ишлари олиб борилди.

Ишчи гуруҳ томонидан ўрганишлар тумандаги “Хўжайма-Бойсун” магистрал ичимлик сув тармоғи ҳамда тумanning Шифобулоқ маҳалласида олиб борилди. Унда ичимлик сув узатувчи ички тармоқ орқали ноқонуний уланган 16 та ҳолат аниқланиб, шундан 14 таси бўйича ҳуқуқбузарларга нисбатан маъмурий жарималар расмийлаштирилди. Шунингдек, магистрал тармоқда 5 та носозлик (авария) ҳолати мавжудлиги, мазкур

муаммо ўз вақтида бартараф этилмаганлиги туфайли 728,8 млн сўмлик 607,3 минг куб метр сув исроф бўляётгани аниқланди.

Бундан ташқари, 36 километр узунликда бўлган магистрал тармоқни текшириш учун назоратчи штати ажратилмаганлиги, бу эса тармоқда ноқонуний улаш ҳолатларининг кескин кўпайиб кетиши ва эксплуатация даври қисқаришига сабаб бўлмоқда.

Қурилиш материалларининг сифати долзарб масала

Муродбек ХАЙДАРОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида "Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳамда қўллашда сифат ва назорат масалалари" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги раҳбарияти ва мутасаддилари иштирок этишди.

Матбуот анжуманида бугунги кунда қурилиш материаллари ва соҳага оид стандартлар рўйхати таҳлил қилиниб, 3 364 та стандартлар мавжуд экани маълум қилинди. Таҳлиллар натижасига кўра, мазкур стандартларнинг 700 га яқинини янги, халқаро тажрибага асосланган стандартлар билан алмаштириш ва уларни босқичма-босқич амалиётга жорий этиш белгиланган.

– Жорий йилдаги дастуриймизда 44 та шахарсозлик нормалари ва қоидаларини 14 та умумлаштирилган нормалар сифатида янгилаш белгиланган, – деди Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти директори Шерзод Содиков. – Ушбу дастур асосида институт томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Айтиш керакки, ишлаб чиқариладиган шахарсозлик нормалари қабул қилинишидан олдин бир қатор ижтимоий тармоқлар орқали муҳокамага қўйилди. Ёзилган изоҳлар ҳамда Телеграм ботларимизга келиб тушган тақриф ва фикр-мулоҳазалар мутахассислар томонидан кўриб чиқилади. Техник кенгаш томонидан мақсадга мувофиқ, деб топилганлари албатта, инobatга олинади.

Қайд этилишича, жорий йилнинг биринчи ярим йиллик иш режасига кўра 30 та давлат стандартлари халқаро ва илгор хорижий мамлакатларнинг тажрибаси асосида қайта кўриб чиқилган. Шунингдек, янги тахрирдagi "Стандартлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ миллий стандартлар



Стандартлаштириш бўйича техник кўмиталар томонидан ишлаб чиқиши белгиланган.

Тадбирда маълум қилинишича, 2023 йилнинг 1-чора-гида қурилиш соҳасида 5,1 трлн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 104,7 фоизни ташкил этди. Ушбу давр мобайнида 2,5 тонна цемент ишлаб чиқарилган. Биржа савдоларида сотилган 515,4 минг тонна цемент истеъмолчиларга етказиб берилган.

– Агентлигимиз томонидан 3 870 та корхонада профилактика тадбирлари ўтказилди, – деди Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги Давлат назорати департаменти бўлим бошлиғи Шухрат Суяркулов. – Мазкур назорат тадбирлари натижасида корхоналарнинг 429 тасида стандартлар жорий этилмаганини, 745 тасида метрология қоидалари бузилганлиги ҳамда 426 тасида маҳсулотлар сертификатсиз реализация қилинганлиги аниқланди. Шунингдек, 106 та корхонада Бизнес Омбудсман талаблари асосида давлат назорати ўтказилди. Натижада, 62 та маҳаллий корхонанинг 110 турдаги қурилиш материаллари амалдаги техник регламент ва стандартларга номувофиқлиги аниқланди. Бундан ташқари, импорт қилинаётган хомашёлар ҳам назорат қилинмоқда.

Мазкур йўл билан келган 105 турдаги қурилиш материаллари техник регламент ва стандартларга мос эмас деб топилди. Корхоналарга ушбу маҳсулотларни сотишни тўхтатиб туриш бўйича кўрсатмалар берилди, камчиликлар аниқланган корхона раҳбарлари жаримага тортилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июндаги ПҚ-5133-сонли қарориди ҳам миллий техник кўмиталарни стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар фаолиятида фаол иштироки соаноат тармоқларини ривожлантиришнинг асосий индикаторларидан бири сифатида белгиланган. Шунга кўра, қурилиш соҳасида Стандартлаштириш бўйича техник кўмита фаолияти қайта ташкил этилмоқда. Техник кўмитани ташкил этишдан асосий мақсад, уни халқаро (ISO, IEC) ва минтақавий (МГС) стандартлаштириш бўйича ташкилотларнинг техник кўмиталарига аъзолигини таъминлаш орқали халқаро амалиётда ишлаб чиқариётган стандартларга миллий талабларни киритиш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни жаҳон бозорларида тенг рақобат қила олишига қумаклаштириш.

Матбуот анжуманида шу каби бугунги куннинг долзарб масалалари қизгин муҳокама қилинди.

Ижтимоий соҳа объектлари ўрганилди

Жаҳонгир ФОЗИЛОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрда "2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, жамоатчилик фикри ва аҳоли истақлари асосида 2023-2025 йилларда мамлакатнинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури қабул қилинган.



Ушбу дастур асосида Бухоро вилоятида ҳам жорий йилда ижтимоий иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва зарур инвентарлар билан жиҳозлаш бўйича манзилли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Хусусан, жорий йил якунига қадар фақатгина таъмирталаб ёки янгидан қурилиши зарур бўлган умумтаълим мактабларини олсак, таълим даргоҳлари қатнов қувватини 4 минг 598 ўринга кенгайтирилиши режалаштирилган. Шундан, 3 минг 834 ўқув ўрнига эга бина-иншоотни янгидан қуриш, қолганларини мукамал таъмирлаш, давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида 200 ўринли ётоқхона қуриб фойдаланишга топшириш, қолаверса, чекка худудлардаги мактабларга 3 та спорт зали барпо этиш ва жиҳозлаш учун умумий қиймати 74 миллиард 983 миллион сўм маблағ ажратилмоқда.

Юқоридаги қарор асосида вилоят шаҳар ҳамда туманларида жорий йилда яна ўндан ортиқ мактабгача таълим муассасаси, тиббиёт муассасалари ва бошқа ижтимоий соҳа иншоотларини янгидан қуриш кўзда тутилмоқда. Ушбу қарор ижроси билан танишиш мақсадида вилоят ҳокими Ботир Зарипов Ромитан ва Пешку туманларидаги қурилиш-бунёдкорлик иншоотлари билан таниди.

Дастлаб Ромитан тумани марказида қуриляётган 3-сонли умумтаълим мактабининг қўшимча ўқув биноси бориб кўрилди.

– Асосан рус тилида ўқитишга ихтисослашган бу таълим даргоҳи 2007 йилда қурилган бўлиб, ҳозирда мукамал таъмир ва қўшимча ўқув биносига муҳтож эди, – деди туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи Хайрулла Зайнуллоев. – Негаки, 150 ўринли мактабда тахсил олаётган ўқувчилар сонини яқунланган ўқув йилида 376 нафарга етди ва бу таълим даргоҳини замонавий андозада кенгайтиришни тақо-

ўрганишлар Пешку туманининг "Чибогони" МФИдаги 43-мактаб ҳамда "Сўсана" МФИдаги 31-сонли мактабгача таълим ташкилотиди давом этди. 43-сонли умумтаълим мактабининг 160 ўринли биноси мустақилликнинг дастлабки йилларида қурилган бўлиб, бугунга келиб муассасида тахсил олаётган ўқувчиларини зарур бўлган умумтаълим мактабларини олсак, таълим даргоҳлари қатнов қувватини 4 минг 598 ўринга кенгайтирилиши режалаштирилган. Шундан, 3 минг 834 ўқув ўрнига эга бина-иншоотни янгидан қуриш, қолганларини мукамал таъмирлаш, давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида 200 ўринли ётоқхона қуриб фойдаланишга топшириш, қолаверса, чекка худудлардаги мактабларга 3 та спорт зали барпо этиш ва жиҳозлаш учун умумий қиймати 74 миллиард 983 миллион сўм маблағ ажратилмоқда.

– Бинонинг қурилишини жорий йилнинг 20 апрелида бошлаган бўлсак, бугунга келиб икки иншоот молиявий манбасининг 47 фоиз маблағини ўзлаштириш ва лойиҳада кўрсатилган объектнинг 70 фоизини тўла-тўқис қуриб битирдик, – деди пудратчи "Раҳмон Жамшид қурувчи" МЧЖ раҳбари Раҳмон Эшов. – Ҳозирда жамоамизнинг 40 дан ортиқ ишчи-мутахассиси кўмағида ўқув биноси томини ёпиш, спорт зали деворини кўтариш, гишт териш ишларини давом эттиришда. Умумий лойиҳани фойдаланишга топшириш мuddати шу йил 20 сентябрга мўлжалланган бўлишига қарамаддан, биз жамоамиз билан келишган ҳолда икки иншоотни бир ой бурун қуриб битказишни, қолаверса, мактаб атрофини ободонлаштиришни мақсад қилганмиз.

Шу каби иш жараёнини "Сўсана" МФИдаги 31-сонли болалар боғчаси қурилишида ҳам кўриш мумкин. Қарийб ярим гектар майдонни эгаллаган эски ва яроқсиз чўпқори иморат ўрнида бугун пишиқ гишдан икки қаватли, замонавий мактабгача таълим ташкилоти биноси қурилмоқда. Бу лойиҳанинг



зо этарди. Шу боис, давлат инвестиция дастури асосида бу манзилда 210 ўринли мактаб қурилиши бошланди.

Икки қаватли мазкур лойиҳа қиймати 2 миллиард 450 миллион сўм қилиб белгиланган. Ҳозирда пудратчи томон тажрибали қурувчи Уктам Рамазоннов бошчилигидаги "Парвоз комфорт" МЧЖ бунёдкорлари жонбозлик кўрсатмоқда. Айни кунда бинонинг иккинчи қаватини тиклаш, гишт териш ишлари давом эттирилмоқда. Қурувчилар режа-графика бинаоан, иншоотни 15 августгача тўлиқ қуриб битказиб, фойдаланишга топширишни мақсад қилишган. Мактаб директори Нигора Латипованинг айтишича, талаб даражасида жиҳозланган таълим даргоҳи моддий-техник имкониятлари яхшиланиши ҳисобига ўқув жараёни бир маҳалга ўтказилиши мумкин. Бу эса ўқувчилар учун ҳам қўлайлиқ яратди. Қолаверса, бунда ёш авлодга сабоқ бераётган ўқитувчи-педагоглар сонини янги ўқув йилидан 33 нафардан 43 нафарга ошириш кўзда тутилган.

умумий қиймати инвестиция дастури асосида 4 миллиард 300 миллион сўмга молиялаштирилган. Яқин ойларда ушбу муассаса маҳалла аҳолисининг 120 дан ортиқ жажжи фарзандини ўз бағрига олади. Айни пайтда бу ерда Тolib Икромовнинг МЧЖ шаклидаги "Бобир Азамат Темир" пудрат корхонасининг ўттиздан ортиқ ишчиси меҳнат қилмоқда. Қурувчининг айтишича, бугунга келиб иншоотнинг 30 фойздан ошқ қисми битган ва бунда 1 миллиард 300 миллион сўмлик иш бажарилган. Мактабгача таълим ташкилоти биносини шу йил 1 сентябрь кунига қадар сифатли барпо этиш режалаштирилган.

Вилоят ҳокими томонидан мавжуд камчиликлар юзасидан масуулларга тегишли тавсиялар берилди. Жумладан, ўрганишлар давомида иншоотлар қурилишининг сифатига эътибор қаратиш, замон талабидан келиб чиқиб, аҳолига қўшимча қўлайлиқлар яратиш, объектлар ҳудудини ободонлаштириш каби юмушлар шулар жумласидандир.

Назорат тадбирлари мунтазам ўтказилмоқда

Орифжон ВАЛИЕВ,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи инспектори.

Кўҳна ва ҳамisha навқирон Самарқанд вилояти туманларида ҳам бугун кенг қўламли ислохотлар амалга ошириляпти. Бу борада айниқса, жадаллик билан бажарилаётган қурилиш-бунёдкорлик ишларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Қурилишда сифат доимо биринчи ўринда бўлиши соҳа вакилларида катта масъулият талаб қилиши ҳам бор гап. Шу боис, ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан ҳудудларда барпо этиляётган ҳар бир объект доимий эътиборда.



Яқинда инспекция томонидан давлат дастурлари асосида қуриляётган ижтимоий соҳа объектларида ўтказилган назорат тадбирлари давомида ҳам бир қатор камчиликлар аниқланди. Жумладан, бинонинг пойдевор қисмига олинган бетон ишлари сифатсиз бажарилган, ёриқлар мавжуд, лойиҳада бетон атрофини қўйиш ишларида тоза тупроқ кўрсатилган бўлсада, аммо жойида қурилиш чиқиндилари билан тўлдирилган. Бу эса бинонинг пол қисми чўкиши ва намланишига олиб келади. Пойдевор қисмида изоляция ишлари қўл учиди бажарилган. Ишчиларга оқватланиш, ювиниш, дам олиш учун керакли шароит яратилмаган. Ижро ҳужжатлари тўлиқ қўрилмаган.

Умуман олганда, юқоридаги объектларда техник, муаллифлик ва пудратчининг ички назорати ўз вақтида олиб борилмаган. Инспекция ходимлари томонидан қурувчиларга сифатсиз бажарилган ишларини бартараф қилиш, яъни қайтадан лойиҳа асосида бажариш юзасидан ёзма кўрсатмалар берилди ҳамда ҳолат назоратга олинди.

Назорат тадбирлари вилоятимизнинг барча худудларида мунтазам ўтказилмоқда.

Мор Алишер кумушкент" МЧЖ томонидан қуриляётган 27-МТТ биносида олиб борилди. Бу объектда ҳам бир қатор камчиликлар аниқланди. Жумладан, бинонинг пойдевор қисмига олинган бетон ишлари сифатсиз бажарилган, ёриқлар мавжуд, лойиҳада бетон атрофини қўйиш ишларида тоза тупроқ кўрсатилган бўлсада, аммо жойида қурилиш чиқиндилари билан тўлдирилган. Бу эса бинонинг пол қисми чўкиши ва намланишига олиб келади. Пойдевор қисмида изоляция ишлари қўл учиди бажарилган. Ишчиларга оқватланиш, ювиниш, дам олиш учун керакли шароит яратилмаган. Ижро ҳужжатлари тўлиқ қўрилмаган.

Умуман олганда, юқоридаги объектларда техник, муаллифлик ва пудратчининг ички назорати ўз вақтида олиб борилмаган. Инспекция ходимлари томонидан қурувчиларга сифатсиз бажарилган ишларини бартараф қилиш, яъни қайтадан лойиҳа асосида бажариш юзасидан ёзма кўрсатмалар берилди ҳамда ҳолат назоратга олинди.

Назорат тадбирлари вилоятимизнинг барча худудларида мунтазам ўтказилмоқда.

Овулларга ичимлик суви етказиб берилляпти

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Амударё тумани худудларида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқинда туманнинг Амир Темур номидаги овул аҳолисига тоза ичимлик суви етказиб бериш мақсадида ер остидан тортиб олинган сувни чучуклаштирувчи ускуналар ўрнатилган "ЭКОС" станцияси ишга туширилди. Ушбу қурилма орқали эндиликда овулдаги 242 та хонадонга чучуклаштирилган сув етказиб берилмоқда.

Туркменистон Республикаси билан чегарадош худуддаги Амир Темур овули оқар сув йўллари охири қисмида жойлашган. Чекка худуддаги мазкур овул ичимлик суви тармоғига ҳам уланмаган. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида ўтган йили ҳам туман ҳокимлигининг ташаббуси билан 5 млрд 300 млн сўм эвазига сув тозалаш қурилмаси ва махсус иншоот қуриш ишлари бошланган эди. Ҳозирги кунда мазкур сув тозалаш маркази орқали овулдаги 244 та хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланмоқда. Ушбу сув тозалаш қурилмаси орқали ер ости

сувлари 35 метр чуқурликдан, диаметри 300 миллиметр бўлган 4 дона қувурлар орқали тортиб олиниб, керакисиз тузлар ва минераллардан тозаланган ҳолда аҳолига истеъмол учун етказиб берилляпти.

Шунингдек, Оқ олтин овулида ҳам аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида худди шундай сувни чучуклаштирувчи ускуналар ўрнатилган "ЭКОС" станцияси фойдаланишга топширилган. Мазкур станция ёрдамида овулдаги 560 хонадон чучуклаштирилган сувдан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Дзюдо зали фойдаланишга топширилди

Болтабой МАҚҚУРБОНОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ўзбекистон дзюдо федерацияси ташаббуси билан 12 та вилоятда 14 та дзюдо зали бунёд этилиши режалаштирилган эди.

Жаҳон талабларига жавоб берадиган дзюдо залларидан бири Урганч шаҳридаги 19-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби худудида барпо этилди. Дзюдо мажмуасининг тантанали очилиш маросимида Хоразм вилояти ҳокими Жўрабек Раҳимов, Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири Ҳилола Умарова, Республика дзюдо федерацияси раиси, Ўзбекистон Олимпия қўмитаси раиси ўринбосари Азизбек Комилов, Ёшлар сиёсати ва спорт вазири ўринбосари Шаҳрулла Маҳмудовлар сўзга чиқиб, янги спорт мажмуасини фойдаланишга топширилиши ўсиб келаётган ёшларни баркамол авлод бўлиб вояга етиши ва янги чемпионлар тайёрлашдаги аҳамиятига тўхталишди.

Мазкур мажмуада бир пайтнинг

ўзиди 40 нафар спортчининг машғулот олиб бориш имконияти мавжуд. Спорт залида фаолият кўрсатадиган дзюдо секциясида умумтаълим мактаблари ҳамда худуддаги маҳаллалардан 120 нафарга яқин ўсмир тажрибали тренерлар ёрдамида дзюдо сирларини ўрганишади.

– Бундай спорт мажмуаларини фойдаланишга топширилиши бизга фахр ва ифтихор туйғусини бағишлайди, – деди янгибозарлик спорт фахрийси Раҳимбой Шерзонов. – Негаки, бу ерда спорт билан шугулланаётган ёшлар бир кун келиб юртимиз доверғини янада кўларга кўтаради. Келгусида улар орасидан ҳам Алишер Юсупов, Гулназа Матниёзова, Шукржон Ҳамидова каби халқаро тоифадаги спорт усталари етишиб чиқади, деган умиддамиз.

Олтинқўлда мавсумга тайёргарлик авжида

Зиё СИРОЖ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ҳар гал қиш мавсуми яқинлашгани сари мавсум ташвишлари кишини толиқтиради. Хонадон ёки иш жойимизни иситиш билан боғлиқ муаммоларнинг охири йўқдек туюлаверади назаримизда. Тўғри, қоғозларда қилинган ишлар юзасидан бир неча катаклардан иборат рақамлар қайд этилади, объектларда мавжуд воситаларнинг ишлаш ҳолати тахт қилиб қўйилади. Бироқ, биринчи қордаёқ этимиз жунжикишни бошлайди. Қарабсизки, яна таъмирлаш, яна сошлаш...

Шу ишларни ёз фаслида амалга ошириш мумкин эдию, айнан аёзни кутиш шартмиди, деймиз норози оҳангда.

– Бу йил бундай эътирозларга ҳожат қолмайди, – деди "Bunyodkor meliorator" МЧЖ ишчиси Сайдулло Аҳмадалиев. – Сабаби, объектдаги барча иситиш воситаларини янгисига алмаштиряпмиз. Эскилари узоқ йиллик муддатдан сўнг ҳар қанча ишласин, куватсизланган ёки яроқсиз ҳолатга келиб қолган эди.

Дарҳақиқат, ушбу жамоа Олтинқўл туманидаги 38-умумтаълим мактабидан ички иситиш тармоқларини ўрнатиб ва мавжудларини таъмирлаш билан шуғулланиб келмоқда. Кераклик воситалар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тақдим этилаётганлиги аҳамиятлидир. Боиси, улар иссиқ ва совуққа чидамли бўлиб, замонавий талабларга мос келади. Қолаверса, бу борада амалга оширилиши мумкин бўлган ишлар давлатимиз раҳбарининг жорий йил 10 апрель кунги "Ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш тўғрисида"ги қароридан аниқ белгилаб қўйилган.

Қарор ижросини таъминлаш доирасидаги ишлар туман марказий шифонасида ҳам авж паллада. Бундан



айниқса, шифокорлар мамнун. Сабаби, фаолият давомида энг кўп эътирозларга дуч келинаётган муаммо айнан иссиқлик таъминоти билан боғлиқ эди. Аксарият беморлар ўз уйларида иситиш мосламаларини олиб келиб, хоналарни иситишини кўрган шифокорлар хижолат бўлишарди. "Oltink'ol ko'mir briket" МЧЖ томонидан мавжуд иситиш воситалари ўрнига янгисининг ўрнатилиши ана шу ташвишларга барҳам беради.

Бир сўз билан айтганда, қарор ижросини таъминлаш доирасида тумандаги 101 та ижтимоий соҳа объектда мавсумга тайёргарлик ишлари амалга оширилади.

"KO'CHMAS MULK XIZMATLARINI KO'RSATISH JAMIYATI" MЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган электрон-онлайн очик аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога "Temiryol'ta'minot" МЧЖнинг 2023 йил 6 июндаги 75-сонли буюртномасига асосан, Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Саъдий кўчаси, 27-уй худудида жойлашган умумий ер майдони – 6 940,0 м², қурилиш ости майдони – 2 046,0 м² дан иборат бўлган 1 қаватли ишлаб чиқариш бинолари бино ва иншоотлари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 2 000 890 000,0 сўм.

Аукцион савдо 2023 йил 20 июль кунини online-mulk.uz платформасида бў-

либ ўтади. Аризаларни рўйхатдан ўтказиш мuddати: 2023 йил 19 июль кунини соат 16.00 гача.

Юқоридаги кўчмас мулк 2023 йил 20 июль кунини сотилмаган тақдирда, такрорий электрон-онлайн савдолари 2023 йил 3 мартга 15 кун ораллигида ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охиригидан бир иш кунини олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо қолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 (ийгирма) банк иш

кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш юклатилади.

Талабдорлар юқоридаги мулкнинг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини "Ko'chmas mulk xizmatlarini ko'rsatish jamiyati" МЧЖ ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдога рўйхатдан ўтиб тўланади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-А" уй.

Телефон: 71-237-23-91.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

Июнь ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори Баҳодиржон Алинов, "Шахарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК ҳайдовчиси Отабек Рустамбеков,

"Қишлоққурилишлойиха" МЧЖ бош лойиҳа қидирув институти Лойиҳаларни меъёрий ва техник назорат қилиш бошқармаси бошлиғи Умида Мирзаходжаева,

"Ташгипрогор" АЖ Лойиҳани автоматлаштириш сектори 2-тоифали техник Жаҳонгир Абдувалиев,

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари Ихтиёр Исақулов, Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори Латифжон Манатов,

Навоий вилояти, Учқудуқ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи Исломи Бахронзода, Навоий шаҳар қурилиш бўлими муҳандис-қурувчиси Фахриддин Файзуллаев,

Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси Масариддин Ҳамидов, Ургант тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи Фаррух Жанолов,

Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш бўйича архитектори Дилмурод Эргашев,

Тошкент вилояти, Қибрай тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича архитектори Дилшод Маҳмудов,

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси 1-тоифали мутахассиси Шохжаҳон Саидхонов,

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси ҳайдовчиси Рустам Аезов,

Қорақалпоғистон Республикаси, Тахиятош туманидаги "Taxiyatash jil kom servis" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори Халмурат Юсупов,

Навоий вилояти, Навоий шаҳридаги "G'alaba Sof-Sifat Xizmat" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори Аббосжон Исмоилов,

Наманган вилояти, Поп туманидаги "Шодиёна уй бошқарув сервис компания" МЧЖ бош директори Собиржон Ҳасанов,

Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳридаги "Нурали ватанпарвар" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори Нурали Маҳрамов,

Сирдарё вилояти, Ширин шаҳар "Юксалиш коммунал таъмирлаш сервис-1" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори Каронат Бегелиевларни таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод этамиз.

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК,
УЗОҚУМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК,
МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!

"Respublika mulk markazi" MЧЖ "Poytaxt filiali"

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога "ALBATROS-KREDIT LOMBARD" МЧЖнинг 2023 йил 21 июндаги 24-сонли ариза буюртномаси ҳамда Тошкент шаҳри, Миробод тумани хусусий нотариал идоранинг 2022 йил 24 октябрь, 14, 15 ноябрь ва 2023 йил 14 апрелдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 1-мавзе, 2-уй, 3-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|-----|--------------------|--|-------------------------|
| 1. | 266 | Кольцо погн. Общим весом 2,00 гр. | 909 552,04 |
| 2. | 563 | Кольцо с бел. кам. слом. погн.; кольцо с бел. кам. погн.; кольцо погн.; браслет погн. Общим весом 12,79 гр. | 5 597 463,00 |
| 3. | 1712 | Кольцо с бел. кам. погн.; фрагмент издел. погн. Общим весом 3,76 гр. | 1 809 963,00 |
| 4. | 2133 | Браслет с бел. кам. с биркой; цепь+кулон порвана завязана ниткой. Общим весом 17,96 гр. | 7 633 236,18 |
| 5. | 2852 | Браслет с бел. кам. Общим весом 9,55 гр. | 4 461 212,00 |
| 6. | 2903 | Колье с бел. кам.; браслет с бел. кам.; кольцо с бел. кам.; серги с бел. кам. Общим весом 26,50 гр. | 11 819 264,00 |
| 7. | 3034 | Кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 2,92 гр. | 1 311 789,60 |
| 8. | 3127 | Серги погн. Общим весом 1,83 гр. | 864 189,92 |
| 9. | 3591 | Браслет штамп. слом. в 2-х местах; кольцо с бел. кам.; кольцо с бел. кам.; кольцо с бел. кам. Общим весом 10,65 гр. | 4 976 312,00 |
| 10. | 3246 | Браслет. Общим весом 8,87 гр. | 3 214 124,60 |
| 11. | 3596 | Серги с бел. кам. погн.; кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 7,50 гр. | 3 234 997,26 |
| 12. | 3622 | Кольцо с цвет. кам. 1 кам. нет; кольцо с цвет. кам.; кулон. Общим весом 14,47 гр. | 5 625 540,00 |
| 13. | 3680 | Кольцо с бел. кам. паян. погн. Общим весом 3,13 гр. | 1 383 570,30 |
| 14. | 3694 | Цепь. Общим весом 10,18 гр. | 4 576 352,00 |
| 15. | 3731 | Цепь. Общим весом 12,32 гр. | 4 255 172,00 |
| 16. | 3775 | Кулон погн.; кулон погн. Общим весом 3,44 гр. | 1 422 703,76 |
| 17. | 3807 | Кольцо с роз. кам. погн. Общим весом 1,07 гр. | 569 076,00 |
| 18. | 3822 | Кольцо погн.; кольцо с бел. кам. погн.; кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 14,89 гр. | 6 490 487,84 |
| 19. | 3934 | Серги с бел. кам.; кольцо с бел. кам. Общим весом 7,10 гр. | 2 989 827,84 |
| 20. | 3958 | Браслет с черн. бел. кам. (в замке фраг. нет). Общим весом 2,70 гр. | 1 355 462,00 |
| 21. | 3967 | Кольцо с зел. кам.; кольцо с бел. кам.; серги погн.; серги с бел. кам. с биркой. Общим весом 11,93 гр. | 5 031 094,40 |
| 22. | 3979 | Кольцо; кольцо с бел. кам. погн.; кольцо с бел. кам. погн.; серги с бел. кам. Общим весом 9,60 гр. | 4 643 012,00 |
| 23. | 4021 | Кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 1,70 гр. | 870 662,00 |
| 24. | 4069 | Серги с бел. жем. Общим весом 2,33 гр. | 1 173 662,00 |
| 25. | 4080 | Кольцо с бел. кам. погн.; серги с бел. кам. Общим весом 8,22 гр. | 3 991 562,00 |
| 26. | 4211 | Кольцо. Общим весом 1,26 гр. | 688 862,00 |
| 27. | 4216 | Браслет штамп. погн.; кольцо погн. без кам.; серги без кам. погн.; кольцо погн. без кам. Общим весом 11,88 гр. | 6 006 512,00 |
| 28. | 4260 | Серги с бел. кам. погн.; кольцо с бел. кам. погн.; кольцо с бел. кам. погн.; фрагмент изд. погн. Общим весом 16,57 гр. | 7 304 301,40 |
| 29. | 4265 | Кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 3,21 гр. | 1 279 712,00 |
| 30. | 4338 | Кольцо с брилл. погн.; кольцо с бел. кам. 1 кам. нет. Общим весом 9,67 гр. | 4 900 562,00 |
| 31. | 4349 | Кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 2,00 гр. | 1 067 612,00 |
| 32. | 4425 | Серги с фиал. кам.; кольцо с брилл.; кольцо с брилл.; кольцо с бел. кам.; серги; кулон. Общим весом 34,50 гр. | 17 338 712,00 |
| 33. | 4443 | Кольцо с бел. кам. погн.; серги с бел. кам. погн.; кольцо с бел. кам. и биркой, пломбой; серги с бел. кам. и биркой, пломбой. Общим весом 9,20 гр. | 4 489 088,00 |
| 34. | 4546 | Серги с разн. кам. Общим весом 6,10 гр. | 3 097 712,00 |
| 35. | 4555 | Браслет штамп. погн. Общим весом 3,39 гр. | 1 128 212,00 |
| 36. | 4568 | Цепь погн.; браслет с бел. кам. погн. Общим весом 15,92 гр. | 7 534 692,50 |

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|-----------------------|--------------------|---|-------------------------|
| 37. | 4573 | Серги с бел. кам. Общим весом 3,80 гр. | 1 976 612,00 |
| 38. | 4828 | Цепь погн. штамп.; кольцо с бел. кам. погн.; кольцо с бел. кам. погн.; серги с крас. кам. Общим весом 12,77 гр. | 6 461 012,00 |
| 39. | 4833 | Кольцо с крас. кам.; кольцо с зел. бел. кам.; кольцо; цепь порв. с ниткой. Общим весом 44,56 гр. | 22 338 212,00 |
| 40. | 4834 | Серги с крас. кам.; кольцо с крас. кам.; кольцо с бел. кам.; серги с бел. кам. Общим весом 47,89 гр. | 22 792 712,00 |
| 41. | 4906 | Цепь. Общим весом 1,93 гр. | 1 022 162,00 |
| 42. | 4914 | Цепь+кулон. Общим весом 1,80 гр. | 976 712,00 |
| 43. | 5019 | Кольцо погн. Общим весом 3,23 гр. | 1 418 688,00 |
| 44. | 5028 | Кольцо. Общим весом 3,11 гр. | 1 628 162,00 |
| 45. | 5069 | Кольцо погн.; кольцо погн. нет фрагмента. Общим весом 7,68 гр. | 2 825 012,00 |
| 46. | 5082 | Кольцо с бел. кам. погн.; кольцо; цепь штамп. погн. Общим весом 19,45 гр. | 9 794 012,00 |
| 47. | 5220 | Кольцо с бел. кам. погн.; кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 7,99 гр. | 2 946 212,00 |
| 48. | 5308 | Серги с брилл. и гол. кам.; серги с брилл.; серги с брилл.; цепь погн.; кольцо с крас. кам.; кольцо с бел. кам. погн.; кольцо с крас. кам.; цепь. Общим весом 45,50 гр. | 22 792 712,00 |
| 49. | 5384 | Кольцо; кулон; цепь погн. паян. Общим весом 11,26 гр. | 5 673 212,00 |
| 50. | 5451 | Кольцо погн. Общим весом 2,77 гр. | 1 431 212,00 |
| 51. | 5521 | Кольцо погн. Общим весом 2,54 гр. | 1 325 162,00 |
| 52. | 5547 | Цепь. Общим весом 10,80 гр. | 5 461 112,00 |
| 53. | 5623 | Кольцо с бел. кам.; серги с бел. кам. Общим весом 4,17 гр. | 1 991 762,00 |
| 54. | 6025 | Цепь погн. паян.; серги с зел. кам. Общим весом 6,29 гр. | 3 218 912,00 |
| 55. | 6079 | Кольцо погн. Общим весом 3,34 гр. | 1 734 212,00 |
| 56. | 6143 | Кольцо с бел. кам.; серги с бел. кам.; серги с бел. кам. погн. Общим весом 6,08 гр. | 3 097 712,00 |
| 57. | 6220 | Кольцо погн.; серги; кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 9,02 гр. | 4 567 262,00 |
| 58. | 200 | Кольцо, о.в. 3,84 гр., ч.в. 3,64 гр., 585 пр.; серги, о.в. 3,78 гр., ч.в. 2,88 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 4,00 гр., ч.в. 3,40 гр., 585 пр. | 4 726 370,77 |
| 59. | 421 | Кольцо, о.в. 1,44 гр., ч.в. 1,44 гр., 585 пр.; о.в. 3,37 гр., ч.в. 2,77 гр., 585 пр. | 2 090 270,77 |
| 60. | 3113 | Браслет, о.в. 22,82 гр., ч.в. 22,40 гр. 585 пр.; браслет, о.в. 21,14 гр., ч.в. 20,70 гр., 585 пр. | 19 988 093,26 |
| 61. | 3158 | Кольцо, о.в. 3,68 гр., ч.в. 3,28 гр., 585 пр. | 1 595 993,26 |
| 62. | 3159 | Серги, о.в. 4,31 гр., ч.в. 2,81 гр., 585 пр. | 1 368 743,26 |
| 63. | 3198 | Цепь, о.в. 14,58 гр., ч.в. 14,58 гр., 585 пр. | 6 822 743,26 |
| 64. | 3390 | Часы, о.в. 28,08 гр., ч.в. 8,00 гр., 585 пр. | 3 716 993,26 |
| Жами бошланғич баҳоси | | | 310 828 251,48 |

Аукцион савдолар 2023 йил 25 июль кунини соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризаларни қабул қилишнинг охиригидан мuddати: 2023 йил 21 июль кунини соат 18.00 гача.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари 2023 йил 25 июль кунини сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2023 йил 8, 22 август кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш бир иш кунини олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо қолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини ХАТБ "Давр банк" Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2008 МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-А" уй.

Телефон: 71-237-23-96.

Расмий веб-сайт: www.rmm.uz

001805 рақамли гувоҳнома.



IQTIMOYI-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Тахрир хайъати раиси),
Шерзод Хидоят, Давронжон Адил, Жалол Арашов, Козим Туляганов, Юлдаш Мағрупов, Жамшид Исмаилов, Бобир Элмуродов, Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир Дилшод Жалолов

Бош муҳаррир уринбосари Райҳона Ҳўжаева

Саҳифаловчи Акмал Махкамов

Мусасҳиҳ Марҳамат Мусулмонқулова

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
НАШИРЎТ УЙИ МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ»
НАШИРЎТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСАЛИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,
«Ўзсанотқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎЗГАШКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100035, Тошкент шаҳри, Нивабек йўли кўчаси, 1-уй.

Телефонлар:

71-234-47-18 (қабулхона).

71-234-47-19 (таҳририят).

71-234-47-20 (бухгалтерия).

71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).

E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ

ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.

Анджон вилояти: 91-479-55-11.

Бухоро вилояти: 99-704-66-69.

Жиззах вилояти: 99-525-30-05.

Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.

Навоий вилояти: 99-731-17-40.

Наманган вилояти: 91-365-07-36.

Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.

Сирдарё вилояти: 99-831-11-15.

Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.

Фарғона вилояти: 90-349-55-56.

Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот

агентлигида 0874-рақам билан



CHIDAMLILIK, ESTETIKA VA SIFATNING MUKAMMAL UYG'UNLIGI


HPL (High-Pressure Laminate) panellari ishlab chiqaruvchi AKFA BUILD kompaniyasi hamkorlarga zamonaviy va barqaror arxitektura yechimlarini taklif etadi. AKFA BUILD HPL panellarini ishlab chiqarish Yevropaning yetakchi kompaniyalaridan biri Pagnoni Impianti (Italiya)ning zamonaviy texnologiyasi va uskunolari yordamida amalga oshiriladi.

AKFA BUILD HPL panellarini ishlab chiqarish EN 438 standartiga mos keladi va ekologik toza materiallardan foydalanadi. Panellarning dekorativ sirlari selluloza qog'ozidan va mustahkamlangan ultrabinafsha nurlariga chidamli plyonkadan tayyorlangan. Mahsulotning ichki qismi uchun birlamchi tolali kraft qog'oz ishlatiladi. Kompaniya qalinligi va ishlatilish sohasi turli xildagi laminatlangan hamda ixcham panellarni o'z ichiga olgan har xil HPL panel variantlarini taklif qiladi.

HPL PANELLARINING TURLARI:

- ☑ 0,6-2 mm gacha laminatlangan;
- ☑ ixcham 4-18 mm.

O'z navbatida, ixcham panellar quyidagi turlarga bo'linadi: interyer uchun (ichki dizayn) qalinligi 4-6 mm va eksteryer uchun (tashqi dizayn) qalinligi 6-18 mm. HPL panellari mebel va qurilish sanoatida pol va devorlarni qoplash, har qanday murakkablikdagi tashqi devorlarni bezash va qoplash uchun keng qo'llaniladi.



AFZALLIKLARI:

- ☑ mustahkamlik va tashqi ta'sirlarga qarshilik;
- ☑ uzoq muddat foydalanishni ta'minlaydi;
- ☑ tuzilmasining barqarorligi va o'z-o'zini ushlab turish xususiyati ko'p yillar davomida chidamlilik va estetik ko'rinishni ta'minlaydi;
- ☑ rang, tekstura va fakturalarni tanlash qobiliyati noyob dizayn yechimlarini yaratishga imkon beradi;
- ☑ AKFA BUILD HPL panellari ekologik toza materiallardan foydalanadi va turli loyihalar uchun mos keladi;
- ☑ AKFA BUILD HPL panellarini o'z-o'zini ushlab turish konstruksiyasi va optimal o'lchamlari tufayli o'rnatish oson;
- ☑ panellarni tozalash va saqlash oson, bu loyihalarni amalga oshirish va obyektlardan foydalanish xarajatlarini kamaytiradi;
- ☑ xona ichida va binolarning tashqi devorlarida foydalanish uchun mos keladi;
- ☑ turli qalinliklarni tanlash imkoniyati panellarni har xil loyihalar va talablarga moslashtirish imkonini beradi.

AKFA BUILD HPL panellari sizning loyihangiz uchun ishonchli, estetik va ekologik toza yechimdir. Ular mustahkamlik, chidamlilik va keng dizayn imkoniyatlarini birlashtirib, noyob arxitektura yechimlarini yaratishga imkon beradi.



AKFA BUILD bu binolarni qurish uchun zamonaviy yechim.

